## 30-сонли шартнома

Поп шаҳри 2022 йил "31" август

Oltiariq-Innovatsiya МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи А.Валижонов бир томондан (бундан буён матнда "Етказиб берувчи" деб юритилади) ҳамда Поп туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ў.Йўлдашев, иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Етказиб берувси" ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофик маҳсуло (иш хизматлар)ни ўз вактида етказиб беришни мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу маҳсулот (хизматларни ва товарларни) қабул килиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятини олади. Етказиб бериладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) катъий турлари, микдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас кисми бўлган спецификацияда келтирилади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг хукуклари:

– бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги махсулотларни (иш ва хизматларни) кўрсатишни талаб килиш;

– лозим даражадаги сифатда махсулот (иш, хизмат) кўрсатилмаган такдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб килиш:

– камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини коплаш;

– баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;

– шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

– ушбу Шартнома шартларига мувофик кўрсатилган махсулот (иш, хизматларни) кабул килиш;

– ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофик етказиб бериладиган маҳсулот (иш, хизматлар) учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Етказиб берувчини ҳуқуклари:

– буюртмачидан амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда ва хажмда кўрсатилган махсулот (иш хизматлар) учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

– буюртмачидан етказиб берилган товарларни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни талаб қилиш;

2.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

– ушбу шартномага мувофик ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан такдим этилган техник топширикка биноан махсулот (иш хизматлар)ни белгиланган муддат, микдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

– агар хизмат кўрсатиш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чикса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аникланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

### III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 59800000( эллик тўккиз миллион саккиз юз минг) сўм, ҚҚС билан.

Кўрсатиладиган махсулот (иш хизматлар)нинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи такдим этиладиган маҳсулотнинг 30 фоизи микдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Етказиб берувчининг ҳисобракамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган маҳсулот (иш хизматлар) учун ҳисоб-китобнинг колган кисми махсулотлар тўлик етказиб берилганда хисоб факутра билан имзолонганидан кейин ўн беш иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Маҳсулот (иш хизматлар) бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси оркали Етказиб берувчининг хисоб ракамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва конун хужжатлари талабларига мувофик белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварак-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ғазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг махсулот (иш хизматлар) учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан маҳсулот (иш хизматлар) муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни кабул килишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган микдордан ортик битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топширикка киритилган бошка номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Етказиладиган масуло (иш хизматлар) тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган маҳсулот (иш хизматлар) ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварак-фактура бўйича кабул килинади.

Шартномада назарда тутилган маҳсулот (иш хизматлар) ушбу шартномага мувофик ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (кўлда), почта оркали ёки бошка усул билан маҳсулот (иш хизматлар)ни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (кўлда) кабул килганда, Етказиб берувчининг ходими Буюртмачида коладиган буюртма нусхасида кабул килинганлиги тўғрисида белги кўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор килишга ёки маҳсулот (иш хизматлар)нинг тегишли кисмини кўрсатиш санасини Етказиб берувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳакли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган маҳсулот (иш хизматлар)нинг сифати, микдори, уларнинг баҳоси Етказиб берувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аникланган такдирда, Етказиб берувчи тақдим этилаётган маҳсулот (иш хизматлар)нинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда кайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага кўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган маҳсулот (иш хизматлар)нинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошка шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулот (иш хизматлар) баҳосининг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташкари, Етказиб берувчи Буюртмачига маҳсулот (иш хизматлар)ни тақдим этмаслик натижасида эtказилган зарарни коплайди.

5.4. Маҳсулот (иш хизматлар) кечиктирилган ёки кўрсатилмаган такдирда, Етказиб берувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий микдори кўрсатилмаган маҳсулот (иш хизматлар) баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва маҳсулот (иш хизматлар)ни кечиктириш ёки кўрсатмаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

5.5. Етказилган маҳсулот (иш хизматлар) учун тўловни ўз вактида тўламаган такдирда, Буюртмачи Етказиб берувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов микдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Етказиб берувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чикилади.

Буюртмачининг етказиб берувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Етказиб берувчи томонидан копланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига мувофик ҳал килинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чикадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал килинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал килинмаган низолар тегишли туманлараро иктисодий судида ҳал килинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлик ёки кисман тўғри бажаришига тўскинлик киладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошкин, зилзила, бошка табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташкари), пандемия, амалдаги конунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кабул килинган умумий характердаги карорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир килса, тегишли мажбуриятларнинг

бажарилиши вакти бундай ҳолатлар бартараф этилган вактга ёки уларнинг окибатлари тугаши вактига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат хакида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошка Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор килиши шарт. Агар юкорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вактида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос килиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдикланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бирок улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўклиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўклиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод килинишига асос сифатида юкоридаги ҳолатларни келтириш ҳукукидан маҳрум килади.

7.4. Фавкулодда вазиятлар юзага келган такдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавкулодда вазиятлар окибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш максадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг окибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўскинлик киладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошка томонга ушбу шартномани бекор килишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор килиш ҳукукига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошка томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килишга ҳакли эмас. Шунингдек, Етказиб берувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига кайтаради ва Буюртмачи Етказиб берувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлик тўлайди.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар кандай ноконуний устунликларга ёки бошка ноконуний максадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки кимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва халкаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга карши курашишга оид халкаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома томонларининг ҳар бири бошка томоннинг ходимларини ҳар кандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (махсулот (иш хизматлар))ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошка усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар кандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошка контрагентлар билан таккослаганда асоссиз устунликларни таклим этиш;
- ҳар кандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошка ҳаракатлар.

8.4. Агар томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга карши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон килса, иккинчи томонни ёзма равишда хабардор килишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли томон ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиклангунга кадар тўхтатиб туришга ҳакли. Ушбу тасдик ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва коидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиклайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни такдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга карши кураш бўйича халкаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат килади. Бунда томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш максадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун окилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, томонлар коррупциявий фаолиятга томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш максадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноконуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор килинишигача бўлган нохуш окибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя килган холда ушбу шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий кийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлик махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган томоннинг ходимлари учун ҳам салбий окибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган ва ғазначилик органи томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлик амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу шартнома томонларнинг келишуви билан ёки томонлардан бирининг талабига биноан, бошка томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган такдирда суд томонидан бекор килиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар факат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган такдирда амал килади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (кўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Етказиб берувчи:
Oltiariq-Innovatsiya МЧЖ
______________________________
Олтарик тумани Шарк МФЙ Водил кўчаси
______________________________
Р/с: 20208000805153557001
Банк реквизитлари: Хамкор банк Маргилон
МФО 00991______________________
ИНН: 306927580 ________________
ОКЭД: ______________________

Буюртмачи:
Поп туман ҳокимлиги
Поп ш Истиклол кўчаси 5-уй
Р/с: 100022860142197013990018001
Банк реквизитлари: Тошкент ш ХККМ
МФО 00014
ИНН: 200088953
ОКЭД: 97600
Банк реквизитлари: Тошкент ш ХККМ
МФО 00014
Х.р 23402000300100001010
Поп туман ғазначилиги ИНН:201122919

**Етказиб берувчи раҳбар:**
______________ А.Валижонов

**Буюртмачи раҳбар:**
______________ У.Йўлдашев

Юрист ______________ Э.Турдалиев
 -006743

20___ йил ___ ________даги
____-сонли шартномага ___-
илова

| № | Товар (иш, хизмат) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Инновационный мобилный светофор для автоматизированной круглосуточной работы с 4 перекрестками для транспортных средств и пешеходов | Дона | 1 | 59800000 | 59800000 |
| | Жами | | | | 59800000 |

**С П Е Ц И Ф И К А Ц И Я**

Етказиб берувчи:
Oltiariq-Innovatsiya МЧЖ
___________________________________
Олтарик тумани Шарк МФЙ Водил кўчаси
___________________________________
Р/с: 20208000805153557001
Банк реквизитлари; Хамкор банк Маргилон
МФО 00991
ИНН: 306927580
ОКЭД: ___________________

**Етказиб берувчи рахбар:**
______________ А.Валижонов

Буюртмачи:
Поп туман хокимлиги
Поп ш Истиклол кўчаси 5-уй
Р/с: 10002286014219701399001800l
Банк реквизитлари: Тошкент ш ХККМ
МФО 00014
ИНН: 2000088953
ОКЭД: 97600
Банк реквизитлари: Тошкент ш ХККМ
МФО 00014
Х.р 23402000300100001010
Поп тумани газначилиги ИНН: ___________

**Буюртмачи рахбар:**
______________ .Йўлдашев

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

"31" август 2022 йил — Поп.ш
Соат 16-55

Бюджет маблағлари хисобидан 2022 йил 19 августдаги 22110012138362 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича ёшлар дафтарида турган ёшларни ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида василик кенгашининг қароридан келиб чиқиб тикув машиналари сотиб олиб бериш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича "***OLTIARIQ-INNOVATSIYA***" МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б:** — **Ў.Йўлдашев**

**Бош хисобчиси:** — **Б.Усмонов**

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 138362 на приобретение Инновационный мобилный светофор

Способ проведения электронный

Дата 29.08.2022

Время рассмотрения 29.08.2022 10:23

Конкурсная комиссия Поп туман Хокимлиги, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | GAYNAZAROV ISAMIDIN SOLIYEVICH | Туман ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари | комиссия |
| **Секретарь комиссии** | YULDASHEV AZAMATJON ROXATOVICH | Туман ҳокимлиги хўжалик ишлари рахбари | Pop tuman hokimligi |
| **Член комиссии** | ERMATOV AZIZ ABDIMALIKOVICH | Уй-жой коммунал бошкармаси мутахассиси | Комиссия |
| **Член комиссии** | ALIYEV DINMUXAMMAD RUSTAMJON-O‘G‘LI | Туман ҳокимлиги қурилиш бўйича бош мутахассис | Pop tuman hokimligi |
| **Член комиссии** | ONARBOYEV RAVSHANJON ALIJONOVICH | Инвестициялар, инновациялар ва саноатни ривожлантириш масалалари бўйича туман ҳокимининг ўринбосари | Pop tuman hokimligi |
| **Член комиссии** | ARSLONOV ZAFAR DONIYOROVICH | Ёшлар сиёсати ИР ва ММИ бўйича туман ҳокимининг ўринбосари | Pop tuman hokimligi |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.08.2022 года № лота 138362.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 55

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Светофор** |
|---|---|
| Подробное описание | Python дастурлаш тили орқали программалаштирилган, интелектуал тизимда ишлайдиган, сунъий интелект оркали автотранспортлар харакатини тизимли бошкарадиган, пиёдалар харакатини тартибга соладиган мукобил Қуёш фотоэлектрик станцияси энергиясида ишловчи инновацион светофор.2 та комплект 3 йўллик чоррахаларда, 1 та комплект транспортлар ва пиёдалар ҳаракатини сунъий интелект орқали бошқарувчи мукобил Қуёш фотоэлектрик станцияси энергиясида ишловчи инновацион светофор. 1.Ишлаш кучланиши 12 Вольт 2.Ишчи ток кучи максимал 13 А 3.Қуввати 70 Вт 4 Света диод ёритиш бурчаги 600 5.Фотоэлектрик панел қуввати 400 Вт 6.Фотоэлектрик панел чиқиш кучланиши 12 В 7.Бошқарув контроллер 30 А 8.Тармоққа интеграция контроллери 50 А 9.Аккумлятор сигими 200 А/с. Куёш панеллари ёрдамида светофор хар куни 24 соат, ҳафтасига 7 кун қуёш фотоэлектрик қувватида тўлиқ ишлашини таъминлайди. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 59 999 000.00 |

| | |
|---|---|
| Стартовая сумма | 59 999 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Малакали ишчилар рўйхати, my.mehnat.uz платформасида шаклланган бўлиши керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Малакали ишчилар рўйхати, my.mehnat.uz платформасида шаклланган бўлиши керак

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"OLTIARIQ-INNOVATSIYA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat** | 30 | Малакали ишчилар рўйхати, my.mehnat.uz платформасида шаклланган бўлиши керак | 30 | Экспертная | | |
| **ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК** | 30 | Ишчилар руйхати | 25 | Экспертная | | |

Критерий №2 Гувохнома, Лицензия

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома, Лицензия

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"OLTIARIQ-INNOVATSIYA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat** | 20 | Гувохнома, Лицензия,низом | 20 | Экспертная | | |
| **ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК** | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Сертификат аккредитатция мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Сертификат аккредитатция мавжудлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"OLTIARIQ-INNOVATSIYA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat** | 20 | Сертификат аккредитатция мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| **ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК** | 20 | Мавжуд | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздор эмаслиг тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздор эмаслиг тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"OLTIARIQ-INNOVATSIYA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat** | 10 | Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздор эмаслиг тўғрисида маълумотнома | 10 | Экспертная | | |
| **ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК** | 10 | Солик карзи йуклиги тугрисидариги малумот | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Техника ва асбоб ускуналар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Техника ва асбоб ускуналар рўйхати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"OLTIARIQ-INNOVATSIYA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat** | 20 | Техника ва асбоб ускуналар рўйхати | 20 | Экспертная | | |
| **ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК** | 20 | Машина ва механизмлар руйхати | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **"OLTIARIQ-INNOVATSIYA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat** | 59 999 000.00 | 59 800 000.00 UZS | 59 800 000.00 | 00.00 | 59 800 000.00 | 23.08.2022 17:02:03 | 15.00 |
| **ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК** | 59 999 000.00 | 59 950 000.00 UZS | 59 950 000.00 | 00.00 | 59 950 000.00 | 23.08.2022 17:12:12 | 14.96 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|

| | | | |
|---|---|---|---|
| **"OLTIARIQ-INNOVATSIYA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat** | 85 | 15 | 100 |
| **ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК** | 68 | 14.96 | 82.96 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 138362 от 29.08.2022 года на приобретение Инновационный мобильный светофор определила победителем:

"OLTIARIQ-INNOVATSIYA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat
306927580

и резервный исполнитель: ОЛТИАРИК КУРИЛИШ ИНВЕСТ ХК (300853552)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | GAYNAZAROV ISAMIDIN SOLIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ERMATOV AZIZ ABDIMALIKOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ALIYEV DINMUXAMMAD RUSTAMJON-O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | ARSLONOV ZAFAR DONIYOROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

2641534

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OLTIARIQ-INNOVATSIYA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OLTIARIQ-INNOVATSIYA" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

09.12.2019 788846 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306927580

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Farg`ona viloyati, Oltiariq tumani, Qapchig'ay qishlog'i, Sharq mfy. Vodil ko'chasi ,

Guvohnoma: Farg`ona viloyati, Oltiariq tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):